

**Ижроия органининг жамиятни ривожлантириш
стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар
тўғрисида ва 2026 йил I-чорак яқунлари бўйича
ҲИСОБОТИ**

**Жамиятининг операцион самарадорликни ошириш, ўрта ва узоқ
муддатли ривожланиш стратегияси**

"РwС" компанияси томонидан тақдим этилган "Жамиятининг операцион самарадорликни ошириш, ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси"га мувофиқ Жамиятнинг асосий 7 та Бизнес-жараёнлари белгилаб олинди (Геология-қидирув ишлари, Лаборатория тадқиқотлари, Харид қилиш фаолияти, Кадрлар танлаш, Мукофотлаш ва қўшимча тўловлар тайинлаш, Совғалар ва бошқа моддий ойликларни олиш тақдим этиш, хизмат сафари ва вакиллик харажатлари, Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш). Белгилаб олинган бизнес-жараёнларига асосан жамият томонидан Низомлар, Стандартлар, Йўриқномалар қайтадан ишлаб чиқилиб, иш жараёнига татбиқ этилмоқда. Жумладан таркибий бўлинма ходимларини рағбатлантириш бирхиллаштирилди, ишга қабул қилиш мезонлари, коррупция ҳолатларини олдини олиш, харидлар тизимини такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Стратегияга асосан 16-банд (47 та кичик банд)дан иборат “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг операцион самарадорликни ошириш, ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясига мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирлар Режаси ишлаб чиқилди ва 2023 йил 23 майда кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилиб маъқулланди ва 2023 йил 5 июлда ягона акциядор томонидан тасдиқланди.

Бугунги кун ҳолатига ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасининг 39 та кичик банди бажарилди. Жумладан:

- геофизик тадқиқотларни ўтказиш, моделлаштириш, ер ва ҳаво геофизикаси ишларини бажариш учун талаб этиладиган замонавий ускуналар, ёрдамчи техникалар ва дастурий таъминотлар рўйхати;

- харид қилинадиган ускуналар, ёрдамчи техникалар ва дастурий таъминотларнинг техник топшириқларини ишлаб чиқиш;

- 2023-2025 йиллар давомида харид қилинадиган бурғулаш ускуналарининг техник топшириқларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- маънан эскирган бурғулаш ускуналарини ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқариш;

- ишлаб чиқаришнинг ташкилий тузилмасини оптималлаштириш;

- корхона бўйича персонални бошқаришнинг асосий жараёнлари учун кадрлар иш юритилишини рақамлаштириш ва автоматлаштириш;

- марказлаштирилган Ҳазначилик фаолиятини автоматлаштириш ва бошқалар.

Жорий йил охиригача яна 8 кичик банд бўйича белгиланган чора-тадбирлар бажарилиши режалаштирилган бўлиб, ишлар амалга оширилмоқда.

2026 йил 1 чоракда “Ўзбек геология қидирув” АЖ жами **130** та лойиҳа доирасида **400,2** млрд.сўмлик турли хил фойдали қазилмалар бўйича геологик қидирув ишларини олиб борилди.

Шу жумладан:

Давлат бюджети ҳисобидан 27 та лойиҳа 54,2 млрд.сўмга;

НКМК ҳисобидан 66 та лойиҳа 213,9 млрд. сўмга;

ОКМК маблағлари ҳисобидан 27 та лойиҳа 67,3 млрд. сўмга.

Олтинга - 94 та лойиҳа доирасида 282,3 млрд. сўмлик геология қидирув ишлар амалга оширилган.

Шу жумладан:

Давлат бюджети ҳисобидан 13 та лойиҳа 32,4 млрд. сўмга;

“НКМК» АЖ маблағлари ҳисобидан 66 та лойиҳа 213,9 млрд. сўмга;

“ОКМК” махсус ҳисобидан 15 та лойиҳа 36,0 млрд. сўмга.

Мисга - 5 та лойиҳа 11,7 млрд. сўмлик геология қидирув ишлар амалга оширилган.

Шу жумладан:

Давлат бюджети ҳисобидан 1 та лойиҳа 1,0 млрд сўмга;

“ОКМК” махсус ҳисобидан 4 та лойиҳа 10,7 млрд. сўмга.

Полиметаллар, нодир металлар ва бошқа турдаги фойдали қазилмаларни геологик қидириш ишлари **31** лойиҳа бўйича умумий қиймати **106,2** млрд. сўмни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

2026 йил I чорак якунлари бўйича режалаштирилган тоғ-кон ва бурғилаш иш ҳажмларини кўрсаткичлари бўйича ҳисобот

Бурғилаш ишлари режаси 106 823 п.м. бўлиб, **148 133.7 п.м.** га бажарилди, режага нисбатан **139 %** ни ташкил этди.

Бурғилаш ишлари молиялаштириш тури бўйича:

Шундан:

Т.р	Молиялаштириш манбаи	режа	амалда	(%)
1	Бюджет	13 230	19 411.2	147
2	Махсус ҳисоб асосида	21 743	26 085.4	120
3	Шартнома асосида	71 850	102 637.1	143
Жами бажарилган бурғилаш ишлари иш ҳажми				
		106 823	148 133.7	139

Ер ости тоғ-кон ишларининг 2026 йил I-чорак якунлари бўйича

Ер ости тоғ-кон ишларининг режаси **1 107 п.м** бўлиб, **1 321.8 п.м.** га бажарилди, режага нисбатан **119 %** ни ташкил этди.

Шундан:

Т.р	Молиялаштириш манбаи	режа	амалда	(%)
1	Бюджет	507	510.8	101
2	Махсус ҳисоб асосида ОКМК	450	605.5	135
3	Шартнома асосида НКМК	150	205.5	137
Жами бажарилган ер усти тоғ-кон ишлари иш ҳажми				
		1 107	1321.8	119

Ер усти тоғ-кон ишларининг 2026 йил I-чорак якунлари бўйича

Ер усти тоғ-кон ишларининг режаси **13 500 м³** бўлиб, **18 515.27 м³** режага нисбатан **137.2 %** ни ташкил этди.

Шундан:

Т.р	Молиялаштириш манбаи	режа	амалда	(%)
1	Бюджет	1000	4 615.3	461.5
2	Махсус ҳисоб асосида ОКМК	-	-	
3	Шартнома асосида НКМК	12 500	13 899.97	111.2
Жами бажарилган ер усти тоғ-кон ишлари иш ҳажми				
		13500	18 515.27	137.2

Механика бўлими

Замонавий гидрофицирланган бурғилаш ускуналарининг самарадорлик кўрсаткичлари пасайишига сабаб бўлган омиллардан бири бурғилаш ускуналарига керакли импорт эҳтиёт қисмларнинг белгиланган муддатдан кечикиб келиши ва мавжуд 92 дона гидрофицирланган бурғилаш ускуналарининг 39 донаси 100 % ўз хизмат ресурсини тўлиқ ўтаб бўлганлиги ва емирилганлигидир. Ушбу кўрсаткич мавжуд замонавий гидрофицирланган бурғилаш ускуналарининг 42,4% ни ташкил этмоқда.

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг паркида 135 та бурғилаш ускуналари мавжуд бўлиб шундан;

Шундан;

Шпинделли бурғилаш ускуналари 8 дона

Роторли бурғилаш ускуналари 35 дона

Замонавий бурғилаш ускуналари 127 – дона бўлиб, қуйидагилардан иборат:

Тури	Сони
SON MAK RX-4	10
Hanjin D&B 10D	13
Hanjin D&B 12D	3
Makina DBC S-21	4

Z-700	3
Makina DBC S-15	18
BOYLES C6	4
Makina DBC ESD-9	18
Hanjin D&B 45	1
Hanjin D&B 30DE	6
Hanjin D&B 16DE	9
PRAKLA PB	1
UBG-7U	1
SKANIA P380CB	1
SPT-900SE	35

2026 йилда жисмонан ва маънан эскирган, ўз хизмат ресурсини тўлик ўтаб бўлган ва қайта таъмирлаш иқтисодий жиҳатдан норентабел бўлган бурғилаш ускуналарини ҳисобдан чиқариш рўйхати (режалаштирилган) шакллантирилди.

Тасдиқланган режага мувофиқ 2026 йилнинг I чорагида **116,5 тн.** қора металл чиқиндилари топшириш белгиланган бўлиб, ушбу режа **100%** га бажарилди. (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 16.02.2026 йилдаги 05-803 сонли хатига асосан 2026 йил учун қора металл парчалари ва чиқиндиларини топшириш бўйича шартнома қилинган).

Рақамли геология бошқармасининг 2026 йил I-чорак якуни бўйича ҲИСОБОТИ

2026 йил I чорак якунлари бўйича Рақамли геология бошқармаси томонидан қуйидаги асосий ишлар амалга оширилди:

1. ТЭО кондиция лойиҳалари

“Қизилқум” МГКЭнинг “Даугузтау” дала экспедицияси бўйича “Жасаул” олтин конига оид ТЭО кондиция лойиҳаси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги фойдали қазилмалар бўйича давлат комиссиясига тақдим қилинди.

Ҳозирги кунда фойдали қазилмалар бўйича давлат комиссияси эксперти томонидан аниқланган камчиликлар ва тавсияларига мувофиқ, қайта технологик синовлар, олтин нархи амалдаги бозор қийматлари асосида қайта ҳисоблаб ва тегишли тузатишлар киритилмоқда.

“Самарқанд” МГҚЭнинг “Шимолий Нурота” дала экспедицияси бўйича “Пистали” олтин конининг техник-иқтисодий асос (ТИА) лойиҳаси яқунланди.

2. Геология соҳасини рақамлаштириш ишлари

2025 йил 31 октябрь куни тасдиқланган соҳани 2026 йил учун геология-қидирув ишларини рақамлаштириш дастурининг 1–2-бандларига асосан қуйидаги ишлар белгиланган:

3. Геология-қидирув ишларида дала геологик маълумотларини электрон шаклда юритиш:

Намуналар ҳаракатини назорат қилиш учун интерактив веб-платформа ишлаб чиқиш ва ҳисоботларни юритиш:

2026 йил учун геология-қидирув ишларини рақамлаштириш дастурининг 1-банди доирасида “Geobank” ахборот тизими “Ўзбек геология қидирув ” АЖ таркибидаги “Қизилқум” МГҚЭ ва “Самарқанд” МГҚЭнинг иш жараёнига босқичма-босқич жорий этилди.

Мазкур дастур орқали қуйидаги вазифалар амалга оширилмоқда:

дала геологик маълумотларини электрон шаклда йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш;

қудуқлар (collar), литология, минераллашув, геокимё ва бошқа маълумотларни ягона базага киритиш;

маълумотларни реал вақт режимида марказлашган ҳолда қабул қилиш ва назорат қилиш;

маълумотлар базасида хатоликларни автоматик текшириш ва стандартлаштириш;

геологик маълумотларни таҳлил қилиш ва визуализация қилиш имкониятини яратиш;

турли ҳисоботлар ва чиқариш формаларини автоматик шакллантириш.

“Geobank” дастурини жорий этиш натижасида:

маълумотларни юритишда қоғозбозлик сезиларли даражада қисқартирилди;

маълумотларнинг ишончлилиги ва аниқлиги оширилди;

дала ва офис ўртасида маълумот алмашинуви тезлаштирилди;

геология-қидирув ишларининг самарадорлиги ва бошқарув сифати яхшиланди.

2026 йил учун геология-қидирув ишларини рақамлаштириш дастури 2-банди доирасида намуналар ҳаракатини назорат қилишга қаратилган интерактив веб-платформа ишлаб чиқилди.

Ушбу йўналишда “Намуналарни назорат қилиш” ахборот тизими жорий этилиб, қуйидаги асосий функционал имкониятлар таъминланди:

лабораторияларга юборилаётган намуналарни ягона тизимда рўйхатга олиш ва назорат қилиш;

таҳлил натижаларини марказлашган ҳолда кузатиш ва тезкор назорат қилиш;

кундалик ва ойлик бажарилган ишлар бўйича автоматик ҳисоботларни шакллантириш;

дала экспедицияларида, жумладан тош майдалаш цехларида намуналарни электрон рўйхатга олиш;

намуналар ҳаракатини барча босқичларда тўлиқ кузатиш (буюртма → лаборатория → натижа);

таҳлил натижаларини онлайн мониторинг қилиш имкониятини яратиш. Натижада, геология-қидирув ишларида шаффофликни ошириш, маълумотларнинг аниқлиги ва тезкорлигини таъминлаш ҳамда инсон омили билан боғлиқ хатоликларни камайтиришга эришилди.

Жамиятни электр хўжалиги ҳисоботи. ***Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи.***

1. Юқори вольтли ва паст вольтли электр узатиш линияларини қуриш.

Жорий йилнинг I чорагида жамият таркибий бўлинмаларининг электр хўжаликлари томонидан тоғ-кон ва бурғулаш ишларини сифатли ва самарали бажариш мақсадида, ускуналарни электр энергияси билан таъмирлаш юзасидан қўйдаги ишлар амалга оширилган; шу жумладан стационар ва кўчма электр тармоқлари қуриб эксплуатацияга ўз вақтида топширилган.

Юқори вольтли стационар электр линиялари - 5,2 км.

Юқори вольтли кўчма электр линиялари - 6,05 км.

Мавжуд электр тармоқлари қўйдагини ташкил этди:

Юқори вольтли стационар электр линиялари - 154,0 км.

Юқори вольтли кўчма электр линиялари - 26,5 км.

2. Энергия ресурсларни сарфи:

Электрэнергия: ҳақиқий сарфи 7,4 млн. кВт/с, ёки **7,7 млрд.** сўм.

Сув: ҳақиқий сарфи 43 633 м³, ёки **441,7 млн.** сўм.

Табий газ: ҳақиқий сарфи 201 825 м³, ёки **290,2 млн.** сўм.

Ресурс номи	2025 йил 1-чорак	2026 йил 1-чорак	Фарқи (+иқтисод; - ортқича сарф)	Иқтисод %
Электр энергия (кВт)	5 014 170	7 401 087	-2 386 917	48%
Сув (м³)	42 441	43 633	-1 192	3%
Газ (м³)	201 825	160 482	41 343	20%

3. Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш:

Жамиятнинг таркибий бўлинмаларига қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича чора-тадбирларга асосан ишлар амалга оширилган.

Жами жамият бўйича ўрнатилган куёш фотоэлектрик станциялари қуввати **811** кВт.ни ташкил этади.

Ўрнатилган даврдан буён олинган Фото электрик станцияларидан жами **1 331 856** кВт электр энергияси ишлаб чиқарилди ва жамият эҳтиёжларига йўналтирилди.

2025 йил I-чоракда – **93 146** кВт.

2026 йил I-чоракда – **111 582** кВт.

2026 йил 1-чоракда жамиятда автотранспорт воситалари ва техника паркини модернизация қилиш натижаси

Жамиятда 2026 йил 1 апрель ҳолатига **646** дона автотранспорт воситалари ва йўл қурилиш техникалари мавжуд, шулардан;

- енгил транспорт воситалари - **143** дона
- пикап ва юк-йўловчи ташувчи транспорт воситаси - **73** дона
- юк ташувчи (бортли) транспорт воситаси - **51** дона
- юк тортувчи (тягач) транспорт воситаси - **14** дона
- ўзи юк ағдарувчи (самосвал) транспорт воситаси - **18** дона
- сув ташувчи (водовоз) транспорт воситаси - **83** дона
- автокран ва кран манипулятор транспорт воситаси - **26** дона
- автобус ва вахтовка - **41** дона
- автогрейдер - **2** дона
- бульдозер - **41** дона
- экскаватор - **22** дона
- трактор - **9** дона
- махсус автомобиллар - **76** дона
- тиркама - **33** дона
- кара (юк кўтарувчи) - **3** дона
- фронтал юклагич – **3** дона
- мотоцикл - **1** дона
- трицикл - **7**

2026 йил I чорагида “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг 29.12.2025 йилдаги 140-сонли буйруғига асосан 66 дона автотранспорт воситалари ва йўл қурилиш техникалари ҳисобдан чиқарилди.

I чорак мобайнида 190 417,96 тонна юк ташилди, юк айланмаси 6 070 820 тонна км.ни ташкил этди. Экспедицияларга тегишли автобуслар чорак мобайнида 9 630 йўловчи ташиган, йўшловчи ташиш айланмаси 682 760 минг кишини ташкил этди.

Иқтисодий фаолият

Ҳисобот даврида Давлат дастури доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан **48,4** млрд. сўм (ҚҚС сиз);

махсус ҳисоб маблағлари ҳисобидан **60,1** млрд.сўм (ҚҚС сиз);

тўғридан-тўғри “Навоий КМК” АЖ шартномалари маблағлари ҳисобидан **191,0** млрд. (ҚҚС сиз) сўмлик ишлар бажарилди.

Умумий бажарилган геология қидирув ишлари **299,5** млрд. сўмни, шундан пудрат усулида бажарилган ишлар **11,6** млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Буюртмачилар маблағлари асосида **57,8** млрд. сўмлик шартномавий ишлар бажарилди, шундан тўғридан-тўғри “Навоийуран” ДК шартномалари маблағлари ҳисобидан **48,6** млрд. (ҚҚС сиз) сўмлик ишлар бажарилди.

Ўз кучи билан бажарилган ишлар **345,8** млрд. сўмни ташкил этди.

Асосий ишлаб чиқаришдаги ўртача ойлик иш ҳажми бир кишига **26,1** млн. сўмни ташкил қилди.

Жамият бўйича ишчи-ҳодимларнинг ўртача сони ҳисобот даврида **4413** кишини ташкил этди.

2026 йил I чорак якуни бўйича иш ҳақи фонди **162,0** млрд. сўмни ташкил этиб, шундан ўртача ойлик иш ҳақи **12,2** млн. сўмни ташкил этмоқда.

Жамиятнинг 2026 йил I чорак фаолияти бўйича соф фойдаси **5,5** млрд. сўмни ташкил қилмоқда.

Бухгалтерия ҳисоби

Жамиятнинг 2026 йил I чорак якунлари бўйича молиявий кўрсаткичлари:

- даромадлар жами **362,0** млрд. сўм (ҚҚСсиз)ни ташкил қилди; шундан соф тушум **357,4** млрд. сўм, бошқа даромадлар **2,7** млрд. сўм ва молиявий фаолиятдан даромадлар **2,0** млрд. сўмни ташкил қилди,

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннари **299,0** млрд сўм,

- давр харажатлари **49,4** млрд сўм,

- молиявий фаолият бўйича харажатлар **4,4** млрд. сўм,

- даромад солиғини тўлагунга қадар фойда **9,3** млрд. сўм,

- даромад солиғи **3,8** млрд. сўм,

- ҳисобот даврининг соф фойдаси **5,5** млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида умумий дебиторлик қарздорлик **430,4** млрд. сўм. Ҳисобот даврида умумий кредитор қарздорлик **401,0** млрд. сўм.

Жамиятда молиявий даромадларнинг бизнес-режа кўрсаткичлари бўйича солиштирма таҳлили қуйидагича:

(минг сўмда)

№	Даромад ва харажат кўрсаткичлари	2025 йил I-чорак ҳақиқатда	2026 йил I-чорак бизнес-режаси	2026 йил I-чорак ҳақиқатда	Бизнес-режа бажарилиши, %	Ўтган йилга нисбатан ўсиш, %
1	Даромадлар-жами	342 703 335	364 987 639	362 046 969	99,2%	105,6 %
	соф тушум	339 985 596	358 625 820	357 363 194	99,6%	105,1 %
	бошқа даромадлар	2 156 523	2 000 000	2 678 229	133,9%	124,2 %
	молиявий фаолиятдан даромадлар	561 216	4 361 819	2 005 546	46,0%	357,4 %
2	Ишлаб чиқариш таннари	280 116 615	294 067 872	298 993 934	101,7%	106,7 %
3	Давр харажатлари	53 990 678	59 708 273	49 351 355	82,7%	91,4%
4	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	416 442	4 439 617	4 415 244	99,5%	1060,2 %
	фоизлар кўринишидаги харажатлар		1 850 161	2 009 382	108,6%	
	молиявий фаолият билан боғлиқ бошқа харажатлар	416 442	2 589 455	2 405 862	92,9%	577,7 %
5	Даромад солиғидан олдинги фойда (зарар)	8 179 600	6 771 878	9 286 436	137,1%	113,5 %
6	Даромад солиғи	1 212 472	1 273 113	3 765 973	295,8%	310,6 %

7	Соф фойда (зарар)	6 967 128	5 498 765	5 520 463	100,4%	79,2%
---	------------------------------	------------------	------------------	------------------	---------------	--------------

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг 2026 йил 1 чорак якунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ҳамда 2025 йилнинг мос даври билан солиштирилиши қуйидагича:

- даромадлар жами 362,0 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (342,7 млрд. сўм) нисбатан 5,6 фоизга ошган ва белгиланган режага (365,0 млрд. сўм) нисбатан 0,8 фоизга камайган;

- соф тушуми 357,4 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (340,0 млрд. сўм) нисбатан 5,1 фоизга ошган ва белгиланган режага (358,6 млрд. сўм) нисбатан 0,4 фоизга камайган;

- бошқа даромадлар 2,7 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (2,2 млрд. сўм) нисбатан 0,5 млрд. сўмга ошган;

- молиявий фаолиятдан даромадлар 2,0 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (0,6 млрд. сўм) нисбатан 1,4 млрд.сўмга ошган ва белгиланган режага (4,4 млрд. сўм) нисбатан 2,4 млрд.сўмга камайган;

- ишлаб чиқариш таннари 299,0 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (280,1 млрд. сўм) нисбатан 6,7 фоизга ошган ва белгиланган режага (294,1 млрд. сўм) нисбатан 1,7 фоизга ошган;

- давр харажатлари 49,4 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (54,0 млрд. сўм) нисбатан 8,6 фоизга ва белгиланган режага (59,7 млрд. сўм) нисбатан 17,3 фоизга камайган.

- Молиявий фаолият бўйича харажатлар 4,4 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (0,4 млрд. сўм) нисбатан 4,0 млрд.сўмга ошган, белгиланган режага (4,43 млрд. сўм) нисбатан 24,4 млн.сўмга камайган;

- Даромад солиғидан олдинги фойда (зарар) 9,3 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (8,2 млрд. сўм) нисбатан 13,5 фоизга, белгиланган режага (6,8 млрд. сўм) нисбатан 37,1 фоизга ошган;

- соф фойдаси 5,5 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (7,0 млрд. сўм) нисбатан 20,8 фоизга камайиб, белгиланган режага (5,5 млрд. сўм) нисбатан 0,4 фоизга кўпайган;

- дебиторлик қарздорликлари 430,4 млрд. сўмни ташкил этган ва йил бошига (363,8 млрд. сўм) нисбатан 18,3 фоизга кўпайган;

- жорий кредиторлик қарздорликлари 401,0 млрд. сўмни ташкил этган ва йил бошига (341,2 млрд. сўм) нисбатан 17,5 фоизга кўпайган.

**"Ўзбек геология қидирув" АЖнинг 2026 йил I чорак учун
самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари
ҲИСОБИ**

T / P	Кўрсаткичлар номи	Меъ ёр	Соли ш-ти рма оғир лик	Ҳисобот даврида кўрсаткичлар прогнози	Ҳисобот даврида кўрсаткичлар кутилаётган	Бажарилиш фоизи	СМ К
1	Соф тушум прогноз кўрсаткичининг бажарилиши (минг сўмда)	-	25,0	358 625 820	357 363 194	99,6	24,9
2	Соф фойда (зарар) прогноз кўрсаткичининг бажарилиши (минг сўмда)	-	30,0	5 498 765	5 520 463	100,4	30,1
3	Активлар рентабеллиги, $K > 0,05$	$> 0,05$	10,0	0,005	0,006	120,0	12,0
4	Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти, $K > 0,5$	$> 0,5$	5,0	0,71	0,708	99,6	5,0
5	Қоплаш коэффиценти, $K > 1,25$ (тўлов қобилияти)	$> 1,25$	10,0	1,25	2,10	168,0	16,8
6	Молиявий мустақиллик коэффиценти, $K > 1$	> 1	5,0	1,00	1,95	195,0	9,8
7	Дивиденд ҳисобланиши	-	5,0	0,417	0,419	100,4	5,0
8	Акциядор инвестициясининг рентабеллиги (TSR – Total Shareholders Return)	-	10,0	27 494	27 602	100,4	10,0
ЖАМИ:			100,0				113,6

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг 2026 йил I чорак якунлари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ҳисоби 113,6 ни ташкил этди, жумладан:

- соф тушум прогноз кўрсаткичининг бажарилиши 357,4 млрд. сўмни ташкил этган ва белгиланган режага (358,6 млрд. сўм) нисбатан 0,4 фоизга кам бажарилган;

- соф фойда (зарар) прогноз кўрсаткичининг бажарилиши 5,52 млрд. сўмни ташкил этган ва белгиланган режага (5,5 млрд. сўм) нисбатан 0,4 фоизга ошириб бажарилган;

- активлар рентабеллиги коэффиценти 0,006 ни ташкил этган ва белгиланган режага (0,005) нисбатан 20,0 фоизга ошириб бажарилган;

- ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти 0,708 ни ташкил этган ва белгиланган режага (0,71) нисбатан 0,4 фоизга кам бажарилган;

- қоплаш коэффиценти 2,1 ни ташкил этган ва белгиланган режага (1,25) нисбатан 68,0 фоизга ошириб бажарилган;

- молиявий мустақиллик коэффиценти 1,95 ни ташкил этган ва белгиланган режага (1,0) нисбатан 95,0 фоизга ошириб бажарилган;

- дивиденд ҳисобланиши коэффиценти 0,419 ни ташкил этган ва белгиланган режага (0,417) нисбатан 0,4 фоизга ошириб бажарилган;

- акциядор инвестициясининг рентабеллиги 27602 ни ташкил этган ва белгиланган режага (27494) нисбатан 0,4 фоизга ошириб бажарилган.

Харидлар

Товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олиш Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунига мувофиқ мавжуд электрон платформаларда, электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ким ошди савдоси, энг яхши таклифларни танлаш ва тендерлар орқали амалга оширилди.

Электрон харидлар асосий мавжуд операцион платформалари ҳисобланган “ХТ- Харид”, “Харид.uzex.uz” ва cooperation.uz” амалга оширилди. Ускуналар ва товар моддий бойликларни сотиб олиш жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Харидлар бошқармаси томонидан жами умумий суммаси 112,28 млрд. сўм миқдорга тенг 340 та шартнома тузилди, шу жумладан:

- 167,5 млн. сўмлик 2 та тўғридан-тўғри шартномалар
- 30,65 млрд. сўмлик 4 та таклиф сурови;
- 36,47 млрд. сўм миқдорида 151 та шартнома электрон дўкон орқали;
- 1,7 млрд. сўмлик 31 та шартнома электрон аукционда;
- 24,5 млрд. сўм миқдорида 144 та шартнома кооператив порталда;
- 6,9 млрд. сўмлик 4 та энг яхши таклифларни танлаш орқали;

- 11,9 млрд. сўмлик 4 та шартномани Фонд биржаси (СПОТ) орқали амалга оширилди.

Қурилиш ва ижтимоий масалалар

Қурилиш ва ижтимоий масалалар бўйича 2026 йилнинг I чорагида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Навоий вилояти, Томди тумани Мурунтау қўрғонидаги “Мурунтау” ДЭ га қарашли ётоқхона биносини йўлаклари ва ошхонаси таъмирланди, “Мурунтау” ДЭ га қарашли геологик намуналарни ҳужжатлаштириш биносини ички қисми ўралди, 66 ва 62 - сонли бурғилаш бригадаларини кўчма махсус панагоҳи ва траплари таъмирланди, “Мурунтау” ДЭ га қарашли ёш мутахассислар ётоқхонасини овқатланиш ҳамда ювиниш хоналаридаги иситиш ва ювуниш жўмраклари алмаштирилди, “Мурунтау” ДЭ га қарашли мамурий бинони олд қисмига суғориш тизмини ўрнатилди.

“Даугизтау” ДЭ га қарашли Ёқилғи тарқатиш омбори кўчма оператор хонаси таъмирланди, “Даугизтау” ДЭ га қарашли 95 ва 96 - сонли бурғилаш бригадаларини кўчма яшаш уйлари таъмирланди, шунингдек “Мурунтау” ДЭ, “Кўкпатас” ДЭ ва “Даугизтау” ДЭга қарашли 69-65-81-98-90-93-89-66-62-79-72-сонли бурғилаш биргадасини асбоб ускуналари, сув идишларини бўёклаш ва трапларни тамирлаш ишлари бажарилди.

“Самарқанд” МГҚЭ “Уран” технологик партияси дала базасидаги 5 та контейнер ётоқхонага мослаштириб таъмирланди. Самарқанд шаҳрида янгидан қурилган намуналар сақлаш омборхонаси учун ясалган 100 дона стеллажлар токчаларига тахталар ўрнатилди. “Самарқанд” МГҚЭ ҳудуд ташқи деворлари, ёрдамчи бинолар деворлари ва маъмурий бинонинг 3 қаватининг каридор қисмлари водоэмульсия билан ранглаш ишлари бажарилди.

“Тошкент” МГҚЭсига тегишли 2 та вагон уйлар таъмирланди. Меҳмонхонанинг ички қисмининг 200 м² да косметик ишлар бажарилди, “Олмалиқ” ДЭ меҳмонхонаси ички қисми 300 м² косметик ишлари ва маъмурий бинонинг ички қисмида 80 м² қисми таъмирланди. ЭМХ бўлимида ювиниш хонасининг 280 м² қисми капитал таъмирланди ва 900 метр стеллажлар краска қилинди.

“Сурхон” ДЭси дала лагерида ўрнатилган 16 дона вагон уйлари таъмирланди, “Яхтон” участкасида 8x4 ўлчамдаги навес қурилди, “Сарикул” участкаси вагон уйлариининг ички ва ташқи қисмида бўёклаш ишлари бажарилди. Майдалаш цехидаги ювиниш хонаси таъмирланди.

Яшил макон умуммиллий лойиҳаси доирасида I чорак давомида жамият томонидан жами 2050 та мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

Ҳисобот даврида юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар сони 38 тани ташкил қилади.

2026 йилнинг I чорагида жами 589 400 000 сўмга 88 нафар ходимлар санаторияларга ва дам олиш оромгоҳларига юборилди.

улардан:

- геологлар – 18 нафар
- бурғиловчилар – 20 нафар
- бошқарув ходимлари – 3 нафар
- тоғ-кон ишчилари – 6 нафар
- нафақахўрлар – 8 нафар
- техник ва ёрдамчи ходимлар – 15 нафар
- бошқа тоифали ходимлар – 18 нафар

Жамият томонидан ўтказилган маданий, оммавий ва спорт тадбирлари жами 1 036 446 752 сўм маблағ сарфланди.

Улардан:

- Жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари учун – 668 295 100 сўм;
- Маънавий ва оммавий тадбирлар учун – 305 651 652 сўм;
- Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларига туристик ваучерларни ташкил этиш ва сотиб олиш учун 62 500 000 сўм.

Жамият ва касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 1 226 135 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Улардан:

- Жаррохлик амалиёти учун – 78 802 000 сўм;
- Меҳнат таътили давомида берилган моддий ёрдам – 698 670 000 сўм;
- Биринчи никоҳ тўйи учун – 12 710 000 сўм;
- Яқин қариндошлари вафоти учун – 324 105 000 сўм;
- Даволаниш учун – 99 138 000 сўм;
- Ходим вафот этганда – 12 710 000 сўм.

2026 йил I чорақда жамият томонидан ҳомийлик ишлари амалга оширилмади.

Инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўлими.

Жамиятда ишчилар сони 2026 йил I чорақ якунига келиб 4527 нафарни (аёллар-546 киши) ташкил этади.

Улардан:

- олий маълумотли раҳбар ва мутахассислар - 1023 киши;
- ўрта махсус маълумотли мутахассислар - 418 киши;
- ишчилар - 2518 киши;
- техник ходимлар - 159 киши.
- хизмат кўрсатувчи ходимлар - 409 киши.

2026 йил I чорақ якунига 119 (аёллар - 19 киши) нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Шундан:

- олий маълумотли мутахассислар - 20 киши;
- ўрта махсус маълумотли мутахассислар - 6 киши;

- ишчилар - 80 киши;
- техник ходимлар - 6 киши;
- хизмат кўрсатувчи ходимлар - 7 киши.

2026 йил I чорак якунига 81 (аёллар - 21) ходим билан меҳнат шартномалар бекор қилинди (пенсия - 2 та, ўз хоҳиши билан -79 та).

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг тавсиясига асосан жамиятда фаолият олиб бораётган 73 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассислар олий таълим муассасаларида, ГФУ ҳамда МГУ да 2+2 таълим шаклида 11 талабанинг ва Тошкент шаҳридаги Пиза университети филиалида 30 талабанинг контракт пуллари жамият томонидан 3 томонлама тузилган шартнома асосида тўланмоқда.

2026 йил I чорак якунига ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлов ўқув курсларида 108 ходим ўқитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4502-сон Қарори ижроси жамият инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш хизмати томонидан таъминланмоқда.

Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги

Жамиятга қарашли барча таркибий бўлинмаларида 2026 йил учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлигига оид ташкилий-техник тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Ушбу ишлаб чиқилган ташкилий-техник тадбирлар режасига мувофиқ, жамиятга қарашли ташкилот ва экспедицияларда жорий йилда 358 та тадбирлар бажарилиши режа қилинган ва ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 26 746 242 сўм миқдорда маблағ ажратилди.

2026 йил I чораги давомида бажарилган ташкилий-техник тадбирлар сони 84 тани ташкил этди (23.5%) ва ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 7 349 454.2 сўм (27.5%) сарфланди.

Юқорида таъкидланган ташкилий-техник тадбирлардан ташқари, қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2026 йил I чораги давомида жамиятнинг меҳнат шaroитларини назоратини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкил қилинган доимий-ҳаракатдаги комиссия аъзолари томонидан тасдиқланган режа асосида жамиятга қарашли ташкилот ва экспедицияларида меҳнат муҳофазаси ахволини маҳкамавий назорати системасига мувофиқ, тасдиқланган режа асосида комплекс ва иш турлари бўйича назорат текширувлари ўтказилди.

Текширувлар давомида экспедицияларнинг ДХК аъзолари, участка ва бўлимлар бошлиқлари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Қонун ва меъёрий ҳужжатлар ва ўтказилган текширувлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан уларга тушунчалар берилди.

Жамиятга қарашли ташкилот ва экспедициялар иш объектларида меҳнатни муҳофаза қилиш куни, уч босқичли назорат текширувлари ва қурилма (ускуналар)нинг техник ҳолатлари (ММБС талаблари бўйича) масъул шахслар томонидан доимий равишда ўтказилиб борилмоқда.

2026 йил I чораги давомида жамиятга қарашли “Тошкент” МГҚЭ “Шарқий -Қурама” ДЭ автохўжалиги ҳайдовчиси автомашина кабинасидан тойиб ерга йиқилиши натижасида битта бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Содир бўлган ушбу оқибати оғир бахтсиз ҳодиса “Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспексияси” нинг 2026 йил 7 апрелдаги бх/16 – сонли буйруғи билан тузилган махсус текшириш комиссия томонидан текширилди ва текширув материаллари тегишли вазирлик ва идораларга юборилди.

Жамиятда мавжуд меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2025 йил 21 июлидаги 454-сонли ва 2025 йил 24 декабридаги 819-сонли қабул қилинган қарорлари талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари томонидан 2026 йилнинг 17 мартда электрон кооперацион портал орқали “МЕХНАТ АУДИТ ЛАБ” МЧЖ билан “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқлаштириш хизматларини кўрсатиш учун шартнома имзоланди ва шартнома асосида ишлар амалга оширилмоқда.

Ахборот хизмати бўлими

2026 йил I чорагида Ахборот хизмати бўлими томонидан Жамият фаолиятини очиқлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6247-сон Фармонида асосан бошқарма ва бўлимлар фаолияти бўйича маълумотлар расмий веб-сайт (www.uzgeo.uz)га жойлаб борилди. Бундан ташқари ахборотларнинг очиқлиги тамойилига амал қилган ҳолда жамият фаолияти ҳақида мунтазам равишда янгиликлар ва ахборотлар жамиятнинг www.uzgeo.uz сайтига ҳамда ижтимоий тармоқдаги саҳифалари ОАВда кенг ёритилди. Ҳисобот даврида 1 та матбуот анжумани, 2 та брифинг, 2 та онлайн эфир ва газета, ижтимоий тармоқлар, мессенджерлар ва веб-сайтларда 12 та материаллар эълон қилинди. Ўтган даврда Ахборот хизмати бўлими оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда самарали фаолият олиб борди, шунингдек, марказий “Ўзбекистон” телеканали ва

радиоканалларида жами 9 дан зиёд кўрсатув ва лавҳалар намоиш этилди. Шунингдек, 2026 йил I чорак давомида соҳага оид янгилик ва тадбирлар ҳақида маълумотлар жамиятнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқдаги саҳифаларига 100 дан зиёд маълумотлар биринчи манба сифатида жойланди

Корпоратив бошқарув

2026 йил 1 чоракда Жамият ижроия органи (Бошқаруви) томонидан 6 та масала кўтарилиб, барчаси кузатув кенгашига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жамият томонидан 2026 йил I чорак давомида Қонуннинг 83-84-моддаларига асосан йирик битимлар тузилмаган ва 85-88-моддалари талабларига асосан аффилланган шахслар билан битимлар тузилмаган.

Жамият фаолиятида содир бўлган муҳим фактлар жамият корпоратив веб-сайтида (uzgeo.uz) ва қимматли қоғозлар бозоридаги ваколатли давлат органининг Корпоратив ахборот ягона порталида (openinfo.uz) эълон қилиб борилган.

Жамият кузатув кенгаши ва ягона акциядор томонидан қабул қилинган қарорлар ва жамиятнинг самарадорлик кўрсаткичлари давлат активларини бошқариш агентлигининг махсус веб-порталида (kpi.davaktiv.uz) эълон қилиб борилган.

2026 йил I чоракда Жамиятнинг корпоратив фаолияти баҳолашдан ўтказилиб, Корпоратив баҳолаш натижаларига кўра 1000 балл “Юқори” берилиб, ўтган йилга нисбатан яхшиланган.

Юридик бўлими

Жамият Юридик бўлими томонидан 2026 йил I чорагида 14 та фуқаролик, иқтисодий ва алоҳида тартибда ишлар бўйича суд мажлисларида даъвогар, жавобгар ва манфаатдор шахс сифатида қатнашди. Ушбу ишлардан 6 та иш бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари, Ажримлари билан ишлар тугалланган. Юритилаётган 8 та фуқаролик, иқтисодий ва алоҳида тартибда юритилаётган ишлар бўйича суд мажлислари давом этмоқда.

Жумладан, Зарафшон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 20 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, “Ўзбек геология қидирув” АЖ ҳисобидан 366 750 000 сўм етказилган зарар, 7 335 000 сўм давлат божи ундириш белгиланган. Юқоридаги қарор юзасидан берилган Кассация шикояти Навоий вилоят иқтисодий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Кассация инстанциясининг 2026 йил 25 мартдаги Ажрими билан Навоий вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза

килиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг даъво аризаси талаблари рад этилиб Жамият фойдасига қарор қабул қилинди.

Фуқаро Ҳ.Ҳайитбоевнинг етказилган зарарларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан "Навоиуран" ДК ҳисобидан 600 870 720 сўм ундирилиши белгиланди. 2025 йил 19 декабрда Фуқаролик ишлари бўйича М.Улуғбек туманлараро судининг 2025 йил 21 августдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, "Ўзбек геология қидирув" АЖ ҳисобидан Ҳ.Ҳайитбоев ҳисобига 600 870 720 сўм ундириш белгиланди. Ушбу Суднинг Ажрими устида "Ўзбек геология қидирув" АЖ томонидан Тафтиш шикояти киритилди. 2026 йил 8 апрелда Тошкент шаҳар суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати Тафтиш инстанцияси суди 2025 йил 19 декабрдаги Ажримни бекор қилиб, даъвогар Ҳ.Ҳайитбоевнинг даъво аризаси талабларини рад қилиб Жамият фойдасига қарор қабул қилинди.

"Тошкент вилояти иссиқлик таъминоти" МЧЖ манфатида Тошкент вилояти Зангиота туман прокурорининг "Ўзбек геология қидирув" АЖ дан 418 221 195 сўм зарарларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси Нурафшон туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилиб даъво талабларини рад қилиш тўғрисида Жамият фойдасига қарор қабул қилинди.

Жамият билан шартнома тузган "ЗВС ДРИЛЛ СЕРВИСЕ ГРОУП" МЧЖ га 1 092 133 813 сўм, "СОН-МАК" МЧЖга 1 139 824 913,25 сўм, "ГЕОСТРОЙ ГРОУП" МЧЖга 2 869 412 888 сўм, "БАРС" МЧЖ (Россия Федерацияси) 5 187 500 россия рубли, УП «Кайраккумская комплексная геологическая экспедиция» (Тожикистон Республикаси) ларга 5000 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини тўлаб бериш тўғрисида Эътироз хатлари юборилган.

Юридик характердаги буйруқлар, йўриқномалар, қоидалар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширилди, масъул ходимлар томонидан ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари назорат қилинди, ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, Жамиятнинг масъул ходимларига ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш бўйича асосли кўрсатмалар берилди.

Бошқарув раиси

Ш.Алимов